МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Дусанов Салим Мамарасулович
(иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Мустақил тадқиқотчи
https://doi.org/10.5281/zenodo.15035117

Аннотация. *Мақолада таълим тизимида молиялаштириш самарадорлигини аниқлашда маттематик моделлаштиришнинг ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Хусусан олий таълим муассасаларида таълим сифатида оширишда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан таҳлилий ёндашувлар назарий жиҳатдан ўрганилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.*

Калит сўзлар*: Таълим тизими, молиялаштириш, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолари ва прогнозлари, математик моделлаштириш, таълим муассасаларини самарали бошқариш, рейтинг, молиявий барқарорлик, тўлов-қабилияти,рентабеллик*

КИРИШ

XX аср интиҳоси ва XXI аср ибтидосида турли мамлакатларда таълимни, хусусан, давлат таълим тизимини молиялаштириш механизмларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу таълим тизимида талабалар, ўқувчилар сонининг кескин ортиши ва бюджет маблағларининг чекланганли билан боғлиқ бўлиб, давлат (бюджет) маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар манбаларини девирсификация қилишни талаб этади. Тизимни молиялаштириш шакллари ва механизмларининг ўзгаришига индивидуал таълим дастурларини шакллантириш, уларнинг мазмуни, муддати ва шакллари бўйича диверсификация қилиш зарурати таълимнинг моҳияти ва мазмунининг ўзгаришига таъсир қилди. Мазкур ўзгаришлар ва тенденциялар кўплаб давлатлар учун ўзига хос аҳамият касб этади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш тизимдаги мавжуд ҳолатни баҳолаш имкони яратилишини кўрсатмоқда. Бу борада дастлаб ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, хорижлик олимлардан Т.Малтус таълимни аҳоли сони кўпайиши қонунлари билан боғлайди, Ж.Айт ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги билан, Ж.Кулоч ишлаб чиқариш ва истеъмол назарияси орқали, Ж.Милл таълимни меҳнат тақсимотининг деструктив жараёни туфайли ишчиларнинг таназзулга давоси сифатида кўриб чиқади[1]. Шунингдек, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Дж.Милл, Э.Хекшер, Б.Олин, Г.Хаберлер, Д.Салваторе,

[1] Смит А. Иследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,

И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Х.Жонсон, Р.Липсей[2] каби олимлар томонидан амалга оширилган изланишларда таълим тизимида молиявий ислоҳотлар, инсон капиталига таълимнинг таъсири, таълим иқтисодиётининг вужудга келиши, босқичлари ва хусусиятлари, шарт-шароитлари, ривожланиши, миллий иқтисодиёт учун самараси ва услубий жиҳатлари асослаб берилган.

Иқтисодчи олимларнинг асарларида таълим тизимини молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, инсон капитали тушунчаси ва унинг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида академик С.Г.Струмилин биринчилардан бўлиб ўз тадқиқотларида "...таълим омили туфайли миллий даромаднинг ўсишини ҳисоблаш таклифини берган, бу эса ўз навбатида таълимга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришга имкон беради"[3].

Миллий иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг коррелацион ёндошувлари АҚШлик иқтисодчи олимларга ҳам хос бўлиб, жумладан, Эдвард Ф.Денисон таълимнинг ишчи кучи сифатида намоён бўлган иқтисодий аҳамияти ғоясини илгари сурган[4].

Сўнгги йилларда республикамизда бозор муносабатлари шароитида таълим хизматларини бошқариш, соҳада маркетинг тадқиқотлари каби йўналишларда муносиб илмий изланишлар олиб борган муаллифлар сифатида С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Б.Ю.Ҳодиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Х.Саидов, У.А.Бурханов, С.А.Абдуллаев, Р.Р.Хасанов, А.В.Ваҳабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Д.Ҳ.Набиев, О.О.Олимжонов, З.Қўзиев, Д.Сагдуллаев, А.Маҳмудов, Х.Режапов, А.Шеров, С.Бузрукхонов ва бошқаларни5 кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, таълим тизими ва ундаги молиявий ресурсларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилиши, уни диверсификациялаш, соҳада рақобат муҳити шарт-шароитларини янада кучайтириш, самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий, мавжуд ҳолатни математик моделлаштириш жиҳатларини ўрганиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Айниқса, масалага миллий иқтисодиёт нуқтайи назаридан, талаба ва аҳоли кенг қатламлари ҳамда минтақавий нуқтайи назаридан замонавий фундаментал-инновацион характердаги иқтисодий тадқиқотларни ташкил этишгача бўлган узлюксиз олий таълим тизими сифатида ёндашув амалга оширилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар:

---

[2] С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.

[3] К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. –64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182

[4] Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.

[5] "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ 5847-сон фармонида.

Давлат даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, уларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш жараёнларида давлат бошқаруви механизми алоҳида аҳамият касб этади. Назарий жиҳатдан бу мамлакат ОТМларининг талабаларни қабул қилиш режаси иқтисодиёт тармоқларининг амалдаги талабига тўла мос бўлиш керак деганидир. Бугунги кунда олий таълим йўналишларидаги номувофиқлик 20-35 фоизни ташкил етади. Хусусан, педагогика, муҳандислик, тиббиёт ихтисосликларининг кўпгина йўналишлари бўйича ортиқча кадрлар тайёрланмоқда. Кейинги йилларда республиканинг баъзи вилоятларида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий талабларига мос келмайди, масалан, баъзи вилоятларда фақат педагоглар ва врачлар тайёрланмоқда. Кадрлар тайёрлашга, сифат Кўрсаткичлари ва лавозимлар миқдорига бўлган талаб кескин ўзгарди. Ишга олувчилар кўп ҳолларда тегишли дипломга емас, балки ишни билишлик, кадрлар касбий малакасига еътибор бермоқдалар. Айрим ОТМлар меҳнат бозори талабларига ва таълим хизмати бозорлари талабларига жавоб бера олмайди, бунинг оқибатида кўпгина мутахассисларга қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакат бошқа корхоналарида талаб мавжуд эмас. Бунинг устига ОТМларнинг мутахассислар тайёрлашида ўхшашлик кузатилмоқда – айни бир соҳа мутахассиси турли ОТМларда тайёрланади, гарчи унга вилоятларда эҳтиёж бўлмаса-да.

Буларнинг барчаси олий таълим мақомига ва унга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг самарали ҳамда мақсадлилик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади ва мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга жиддий талаблар қўяди.

Таълим тизимига хусусан олий таълим тизимига йўналтирилаётган барча йўналишдаги молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисоблаш учун қуйидаги асосий бошланғич маълумот материаллари ҳисобланади:

–Таълим тизимида давлат буюртмаси асосида бюджет маблағлари ҳисобидан таҳсил олаётган таълим соҳалари бўйича мутахассисларнинг миқдори ва тузилиши, улар динамикаси;

–Таълим тизимида белгиланган тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан таҳсил олаётган талабалар тузилмавий ўзгаришларини, соҳада банд бўлган ходимлар, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар сонини башоратлаш;

Башоратлашнинг методологик асосини ташкил етувчи негизли ёндашишга қуйидаги асосларда башоратлаш тааллуқлидир:

–меъёр ва меъёрий ҳужжатлар;

–талабалар контингенти ва ундаги тузилмавий силжишлар;

–техникавий-иқтисодий Кўрсаткичлар ўзгариши тенденсияси (кўп омилли моделлаштириш);

-муқобилига асосланиш.

Меъёр ва меъёрий ҳужжатлар асосида ОТМ тизимига йўналтирилаётган молиявий ресурсларга бўлган талабни башоратлаш уларнинг турли хилларидан фойдаланишга асосланади.

Тузилмавий силжишлар асосида молиявий ресурсларга бўлган талабни башоратлаш талабалар контигентидаги айрим шакллари (базавий тўлов-контракт, табақалаштирилган тўлов-контракт, қўшма дастурлар асосида жалб етилган талабалар контингенти) устуворлиги ҳамда ривожланишини ҳисобга олиб молиявий ресурсларнинг оқимини

аниқлаш негизига қурилади. 5-10 йиллик даврга башоратлашнинг жиддий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади;

–ОТМга давлат буртмасининг енг муҳим йўналишларида талабалар контингенти ҳажмининг ўсиш динамикасининг кучайиши;

–аҳоли даромад даражасининг ортиши ортидан ОТМ тизимига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабаларнинг йирик миқдорда жалб етилиши;

–иш берувчиларнинг буюртмалари, чет ел инвестицияларининг ортиши асосида қўшимча талабалар контингентининг ошиши (бу бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келади);

Техникавий-иқтисодий Кўрсаткичлар ўзгаришини шароитлар асосида башоратлаш (кўп омилли моделлаштириш) демографик омиллар, аҳоли даромад даражаси, ижтимоий ривожланишдаги кутилаётган тузилмавий силжишлар шароитида ОТМ тизмига йўналтирилаётган молиявий ресурслар оқими аҳволи ва ривожланиш истиқболини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу ҳолда башоратлаш модели бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Аҳоли даромад даражасини ва ҳолатини баҳолаш (бунда бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади).

2.Аҳолининг ва давлатнинг ОТМга бўлган кутилаётган талаба ҳажми. Бу босқичда давлат ва ҳудуд бюджетидан, шунингдек, бошқа молиялаш манбааларидан келиши мумкин бўлган инвестициялар аниқланади.

3.Кутилаётган демографиик ўзгаришлар (демографик таркибда меҳнат ресурслари таркибида ва иқтисодиётни қайта қуришда юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида аниқланади).

Умуман моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий–маълумотномавий кўрсаткичлар ахборий-меъёрий маълумотлар базаси асосида амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим хизматига, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мунтазам мониторинги ва уларга бўлган талаб ҳамда таклифни башоратлаш кенг қамровли вазифа бўлиб, у мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганишини талаб етади:

–республика, вилоят, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналишлари (ихтисосликлари) миқёсида;

–малака (бакалаврлар, магистрлар) ва таълим (олий, олий таълимдан кейинги) даражаси бўйича.

Бунда тадқиқотнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

–ижтимоий тадқиқотлар;

–Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат ОТМлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги олий таълим хизматининг қиёсий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари имкониятларини ўрганиш;

–техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан боғлаб олий маълумотли кадрларга бўлган талабни моделлаштириш;

–меъёр ва меъёрий ҳужжат асосида олий маълумотли кадрларга бўлган талабни башоратлаш;

–олий таълимнинг аҳволи ва ривожланиш мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

–аҳоли бандлигини баҳолаш асосида кадрларга бўлган еҳтиёжни ўрганиш;

-соҳаларда алоҳида-алоҳида кадрларга бўлган еҳтиёж қонуниятларини ўрганиш, бу олий маълумотли мутахассисларга республика иқтисодиёти барча соҳаларидаги еҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ОТМларни молиялаштиришини башоратлашнинг тузилмавий-ахборий модели[6]

<table>
<tr><td>Ислоҳотларни ривожлантириш ва тузилмавий қайта қуриш йўналишлари бўйича давлат дастурлари</td><td>Олий таълимга давлат бюджетидан ажратмалар</td><td colspan="2">Иқтисодиёт тармоқларининг тўловга қобил талаби</td></tr>
<tr><td>Мамлакат иқтисодини ривожлантиришнинг кутилаётган тарзи (тех. – икт. Кўрсаткичлари башорати)</td><td>ОТМлар бюджетини баҳолаш</td><td colspan="2">Бюджетдан ташқари молиялаш таркиби ва динамикаси</td></tr>
<tr><td>ОТМ тизимига йўналтириладиган инвестициялар ҳажми</td><td>Олий маълумотли мутахассисларга талаб башорати</td><td>ОТМга қабул умумий миқдори башорати</td><td>Аҳолининг тўловга қобил талаби</td></tr>
<tr><td>Сўнги йилларда тармоқлар ва ихтисосликлардаги мутахассислар миқдори динамикаси</td><td colspan="3">Йўналишлар, ихтисосликлар бўйича ОТМ қабулининг миқдори ва тузилиши башорати</td></tr>
<tr><td colspan="4">Нодавлат ОТМларнинг қабул бўйича талаб миқдори ва тузилиши</td></tr>
<tr><td colspan="2">Нодавлат ОТМларда мутахассислар тайёрлашнинг тузилиши</td><td colspan="2">Ҳукумат ҳудудий органларининг мутахассислар тайёрлаш ва талаб миқдори ҳақидаги таклифлари (ОТМга қабул)</td></tr>
</table>

ОТМ тизимига молиявий ресурслар оқимининг башоратида энг муҳим омиллардан бири мутахассисларга бўлган талаб башоратларининг натижалари уларнинг умумий миқдори ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларида, шунингдек, муайян башоратланаётган йилга республика ҳудудлари миқёсида иқтисодиётнинг меъёрий фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган касбий тузилишини кўрсатади. Шундай қилиб, талабнинг бу кўрсаткичи жами фаолият кўрсатаётган мутахассислар контингенти ва тузилишини кўрсатади, уларни тайёрлаш миқдори эса башоратланаётган йилда номаълумлигича қолади.

Умумий талаб ошган ҳолларда бу тақсимлаш ўсиб бориши лозим. Башоратнинг тузилиш–ахборий модели: ОТМларга талабалар қабули башоратини ишлаб чиқиш асосида башоратланаётган миқдорлар ва мутахассисларга бўлган қўшимча талаб тузилиши лозим (тармоқ ва ҳудуд миқёсида).

[6] Манба: Таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мутахассисларга бўлган талабни қондириш нуқтаи назаридан талабалар қабул қилишнинг умумий миқдорини баҳолашда қуйидаги омилларни еътиборга олиш зарур:

–мутахассисларнинг талаб етилаётган, айниқса, истиқболда талаб етиладиган миқдори, тузилиши ва тайёрлаш жойлашувига мос келадиган олий мактабда зарур молиявий (бюджет ҳисобида), моддий негизнинг, профессор-ўқитувчи кадрлар мавжудлигини;

–юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари маблағларини жалб етиш имкониятлари (фирма, корхона ва аҳолининг таълим хизматига тўловга қобил талабининг баҳоси)нинг борлигини;

–талабгор абитуриентларда олий таълим ва ихтисосликни талабдан келиб чиқиб башоратланаётган миқдорда ва ОТМга қабул қилиш тузилишига мувофиқ олиш нияти борлигини;

–республика ҳудудлари миқёсида тегишли ёш гуруҳлари бўйича аҳоли сонида абитуриентларнинг улишини (1-жадвал).

Бунда асосий (башоратлаш учун бошланғич) кўрсаткичлар башоратлаш катталигига ега бўлиш зарур: аҳоли сони (демографик башорат); ишлаётганлар умумий сони (бандлик башорати); иқтисодиётда банд мутахассисларнинг умумий сони (тавсия етилаётган усуллардан бирида аниқланади ёки талаб ошишига таъсир етувчи омиллар бутун мажмуини ҳисобга олган ҳолда экстраполяция асосида белгиланади).

Энг яхши усуллардан бири бўлиб, молиявий ресурсларга бўлган еҳтиёжни таҳлил қилиш ва башоратлашнинг иқтисодий-математик ҳамда статистик усуллари ҳисобланади. Корреляцион ва регрессив тенгламалар статистик параметрларини олдиндан баҳолашга асосланган энг кам квадратлар назарияси, дисперциявий таҳлил, образларни идроклашнинг асосий компонентлари, экстремумни тасодифий излаш ва имитациявий моделлаштириш усулларини мазкур усуллар қаторига киритиш мумкин. Иқтисодий-математик методлардан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни башоратлаш у ёки бу омилнинг тадқиқ этилаётган кўрсаткичга кўплаб статистик параметрлар ва танланган белги-омиллар, далилларни кейинчалик имитациялаб тегишли коеффициентлар ёрдамида таъсирини миқдорий баҳолаш асосида амалга оширилади. Моделли эксперементда соҳадаги профессор-ўқитувчи ва ходимлар сони, асосий талабалар контингенти ва оқими, молиявий ресурслар манбалари, тўлов-контракт қиймати ва бошқалар ҳисобланади.

Молиявий ресурсларга бўлган талабни ўртача муддатга ва узоқ муддатга башоратлаш учун математик-статистик модел олий таълим тизими миқёсида ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда талабга таъсир етувчи омилларни дисперциявий таҳлилини дастлабки босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ ва фақат шундан кейингина талаб кўрсаткичини моделлаштиришга киришиш лозим.

2-жадвал

Ўзбекистонда талабалар сони, минг киши (1 январ ҳолатига)[7]

Йиллар	т	Талабалар сони, минг киши
2016 йил	1	279 674

[7] Олий таълим,фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари асосида тайёрланди

2017 йил	2	314 467
2018 йил	3	344 790
2019 йил	4	468 399
2020 йил	5	590 077
2021 йил	6	710 732
2022 йил	7	832 127

Прогнозлашнинг енг содда усулларидан бири бўлган тренд функсияси орқали талабалар сонини истиқболли давр учун прогноз қиламиз. Бунда тренд R=A+B×T функциясида ўзгарувчиларни йиллар қилиб оламиз ҳамда чизиқли функсия ҳосил қилинади.

Тренд функсиясини тузиш ва у орқали прогноз қилишни “Майкрософт Ехсел” дастурида “анализ данних” ёрдамида бажарамиз. Унга кўра, ўзгарувчилар йиллар ҳисобланади.

3-жадвал

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ОТМларга бюджет маблағларининг харажатлар оқими динамикаси 2017-2021 йиллар (млрд сўм)

Кўрсаткичлар		**2016 йил**	**2017 йил**	**2018 йил**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2021 йил**		
							Сумма	*Ўсиш коеф. 2020 йил*	*Ўсиш коеф 2016 йилга нисбатан*
Олий таълим муассасалари									
1.	**Харажатлар жами, шу жумладан**	637,8	738,6	878,8	1 297,3	1 670,1	2 220,2	*1,33*	*3,48*
2.	**И гурух харажатлар**	537,3	594,3	743,0	1 085,2	1 365,6	1 807,3	*1,32*	*3,36*
	Ойлик иш хақи фонди	280,5	303,9	379,2	617,4	651,3	828,0	*1,27*	*2,95*
	Илмий даражалилар рағбатлантириш фонди					154,0	217,1	*1,41*	*x*
	Стипендия	256,7	290,5	363,8	467,7	560,3	762,1	*1,36*	*2,97*

3.	**ИИ гурух харажатлари**	68,9	74,6	91,8	150,8	179,9	256,8	*1,43*	*3,73*
4.	**ИВ гурух харажатлари**	31,6	69,6	43,9	61,3	124,6	156,0	*1,25*	*4,94*

Манба: Молия вазирлиги статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги жадвалда ОТМ тизимидаги енг йирик молиявий манба ҳисобланган бюджет маблағларидан амалга оширилган харажатлар оқими кўрсатиб ўтилган. Бунда харажатлар 2020 йилда 1,33 коеффициент, 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 3,48 коеффитсиентга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда ОТМларнинг ИВ гуруҳ харажатлари бевосита 2020 йилда 1,25 коеффитсиент, 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 4,94 коеффитсиент ошган. Бюджетдан ажратилган маблағлар, асосан, ойлик иш ҳақи ва стипендиялар ҳиссасига тўғри келади. Чунки, ҳар йили тегишли қарор билан республика миқёсида ойлик иш ҳақи ва стипендиялар 10-12 фоиз миқдорида ошириб келинмоқда.

Буни қуйида жадвалда ОТМлар даромадлари динамикасини алоҳида кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ОТМларда даромадлар динамикаси 2017-2021 йиллар (млрд сўм)

Кўрсаткичлар		**Ўлчов бирлиги**	**2017 йил**	**2018йил**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2021 йил**
			Контракт	**Контракт**	**Контракт**	**Контракт**	**Контракт**
1.	**Даромад жами, шу жумладан**	**млрд.сум**	**2 351,7**	**3 448,5**	**5 000,1**	**6 990,3**	**8 444,2**
1.1	**Йил бошига қолдиқ**	**млрд.сум**	**444,5**	**946,0**	**1 499,8**	**2 149,8**	**3 203,2**
1.2	**Йиллик тушум**	**млрд.сум**	**1 907,2**	**2 502,5**	**3 500,3**	**4 840,5**	**5 241,0**
	шундан табақалаштирилган контракт бўйича	**млрд.сум**	***491,1***	***568,9***	***626,9***	***1 128,4***	***1 918,3***


Манба: Молия вазирлиги статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бу Ўсишга олиб келган асосий омиллардан биринчиси давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ортган, иккинчидан, давлат ОТМларга табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул кўпайган, учинчидан ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидаги қолдиқ маблағлар тижорат банкларига турли хил фоиз ставкаларида депозитга жойлаштирилиши кабиларни кўрасатиб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда, олий таълим тизимида ҳам молиялаштиришда, молиявий ресурслар оқимида ҳам ўзгача ёндашувлар амалга оширилди, жумладан, талабаларни қамраб олиш даражасини кўпайтириш мақсадида, ОТМлар сонининг ортиши, қабул квоталари параметрларининг соддалашатирилган тартиблари жорий етилиши, табақалаштирилган (супер) контракт тарзида қабулнинг кўпайиши натижасида тизимда молиявий ресурслар кўпайди. Бу ҳолатни қуйидаги диаграмма кўринишида аниқ кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ОТМларда даромадлар динамикаси 2017-2021 йиллар (млрд сўм)



Манба: Молия вазирлиги статистик хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Диаграммадан кўриниб турибдики, ОТМларнинг барча молиявий манбаларида 2017-2021 йиллар оралиғида ўсиш кузатилган.

ХУЛОСА

1. Таълимни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш бевосита тизим раҳбарларидан юқори касбий маҳорат билан маблағларни жалб қилиш учун турли хил давлат молиявий рағбатлантириш воситаларидан ва дастакларидан фойдаланишни тақозо этади:

2. Республикамизда олий таълимни молиялаштириш тизими, худди олий таълимнинг ўзи сингари, жиддий янгиланишга муҳтож. Бугунги кунда олий таълимнинг, асосан, экстенсив ривожланиши унинг ресурс базасини шакллантириш олдида турибди. Молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича муқаррар қарорлар чиқарилиши ва мавжудларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

3. Бугунги кунда кўплаб давлатлар таълим тизими олдида турган муаммолардан бири, талабалар ва ўқувчилар сонининг тез ўсиши молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятидан устун. Бу каби ҳолатда ўқув тўловлари жорий қилинади ёки оширилади ҳамда умумий таълим харажатларини молиялаштиришдаги улуши ортади. Молиявий ресурслардан фойдаланишда таълим муассасаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган харажатлар сметасида жорий йил фойдаланилмаган маблағларини таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўтказиш, таълим ташкилотларига молиявий активларга эга бўлиш имконияти ва уларни кўпайтириш ҳамда улардан даромад олишлари бўйича зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бугунги кун талабларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. /Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь. -3 б.

2. Клочков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. М.: Мысль, 1985. 176 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.: Прогресс, 1993. с. 267., Salvatore D. International Economics. –London: Prentice - Hall, 2004. p. 840.

3. Смит А. Иследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,

4. С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.

5. К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. –64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182 с. Х.Воссенштейн Финансовое напряжение: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств // Университетское управление: практика и анализ. 2003. № 3(26). – С. 51-60.

6. Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

7. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.

8. Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.

9. www.lex.uz миллий қонунчилик базаси. https://lex.uz/docs/5841063.

10. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: Шарқ, 2003.

11. Ваҳабов А.В., Имамов Э., Солиев А., Туляходжаева М., Хусанова Н., Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации,-Т., 2007.

12. G‘ulomov S., Ochilov I., Saydaxmedov O. Intellektual iqtisodiyotda samaradorlik omillari//O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi jurnali.-Toshkent, 2015 -№6 –B38-41

13. Абдурахмонов Қ.Х., Жумаев Н.Х. Человеческое развитие (автор. колл.). Учебник./Под общей редакцией – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.

14. Mingat A, Tan J. The Full Social Reeturns to Education: Estimates Based on Countries Economic Growth Performance//Human Capital development Working Paper 73/ World Bank, Washington, DC. 1996.

15. Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар: 2013 й. Электрон манба: http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/15405-ozbkistonda-ijtimoiy-soha-rivojlanishi-erishilgan-natijalar-va- stiqbol-yonalishlar

16. https://iorj.hse.ru/2014-9-1/116274010.html

17. https://www.unipage.net/ru/universities?country_

18. https://studyinchinas.com/ru/

19. https://tass.ru/obschestvo/

20. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш . – Тошкент, 2010.

21. https://rudocs.exdat.com/docs/index-245551

22. Europaische Komission Soziale Sicherheit in Europa/ -Luxemburg, 1995.Hanesch W. Soziale sicherung im europaeschen Vergleich//Aus Politik und Zeitgeschichte –Bd/34-35/98-S-3-10

23. U. Burkhanov, Ruziev K. Higher Education Reforms in Uzbekistan: Expanding Vocational Education at the Expense of Higher Education?// Higher Education in Russia and Beyond, 2016. - №2(8)/Summer.

24. Дўстмуҳаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... дис. автореф. – Т.: БМА, 2012. – 24 б.

25. Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.